

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

УЙК: 330.101.54 (575.1)

АЁЛЛАР ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАР

Бобоназарова Жамила Холмуродовна,
иқтисодиёт фанлари доктори,
«Менежмент» кафедраси профессор в.б.;

Шукрова Мухайё,
талаба

Жиззах политехника институти

Аннотация. Ушбу мақолада аёллар иш билан бандлигини таъминлашни давлат томонидан тартибга солишнинг турли механизмлари, иқтисодиётнинг реал талабларидан келиб чиқкан ҳолда, аёллар самарали иш билан бандлигини таъминлашни такомиллаштиришига доир тавсиялар таклиф қилинган ва улар иш билан бандлигини иқтисодий тартибга солишида янги иш ўринларини яратиш ва мавжудларини сақлаб қолиши мақсадида оиласвий ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишининг имкониятлари ишлаб чиқулган. Бу борада қишлоқ жойларда меҳнатга лаёқатли аёлларни иш билан таъминлашдаги асосий тўсиқлар ижтимоий-руҳий, иқтисодий-молиявий, ташкилий, демографик турларга бўлинниб, унда оиласвий юмушлар, фарзандлар тарбияси, касбий малака даражаси, ижтимоий инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ва демографик ўзига хослик натижасида келиб чиқувчи бир қатор муаммолар, уларнинг ечими, бевосита аёллар меҳнат бозорини тартибга солиши устуворликлари, бошқарув, ташкилий ва моддий рағбатлантиришлар ҳар томонлама ислоҳотларни амалга оширишга таянади. Қишлоқ жойлардаги аёлларнинг иш билан бандлиги ва ишсизлик сабабларига баҳо бериш мақсадида социологик сўров натижалари асосида иш берувчилар ва ишсиз аёллар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни баҳолаш услуги таъминлаштирилган.

Таянч тушунчалар: аёллар иш билан бандлиги, ишсизлик, ишчи қучига талаб ва таклиф, ижтимоий механизмлар, масофавий меҳнат, тадбиркорлик.

ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ ЖЕНЩИН

Бобоназарова Жамила Холмуродовна,
доктор экономических наук,
и.о. профессора кафедры «Менежмент»;

Шукрова Мухайё,
студент

Джизакский политехнический институт

Аннотация. В данной статье определяются различные механизмы, меры и средства государственного регулирования занятости женщин, также предложены рекомендации по повышению эффективной занятости женщин исходя из реальных потребностей экономики. Рекомендации по улучшению занятости женщин в сельской местности были предложены с учетом возможности их участия в семейном и частном предпринимательстве с целью создания новых рабочих мест и сохранения существующих. Основными препятствиями для трудоустройства женщин в сельской местности определены социально-психологические, экономические, финансовые, организационные, демографические факторы, которые являются результатом ведения домашнего хозяйства, воспитания детей, уровня профессионализма, развития социальной инфраструктуры и демографической идентичности. Для оценки занятости и безработицы среди женщин в сельской местности усовершенствована методоло-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

гия оценки социально-экономических отношений между работодателями и безработными женщинами на основе результатов социологического опроса.

Ключевые слова: занятость женщин, безработица, спрос и предложение на рынке труда, социальные механизмы, удаленная работа, предпринимательство.

PROSPECTIVE DIRECTIONS OF EMPLOYMENT FOR WOMEN

Bobonazarova Zhamila Kholmurodovna,
Doctor of Economics,
Professor of the Department "Management";

Mukhayo Shukurova,
Student

Jizzakh Polytechnic Institute

Annotation. The article identifies various mechanisms, measures and means of state regulation of women's employment, and offers recommendations for increasing the effective employment of women based on the real needs of the economy. Recommendations for improving the employment of women in rural areas were proposed taking into account the possibility of their participation in family and private entrepreneurship in order to create new jobs and preserve existing ones. The main obstacles to the employment of women in rural areas are determined by socio-psychological, economic, financial, organizational, demographic factors, which are the result of housekeeping, raising children, the level of professionalism, development of social infrastructure and demographic identity. To assess employment and unemployment among women in rural areas, the methodology for assessing socio-economic relations between employers and unemployed women has been improved based on the results of a sociological survey.

Keywords: women's employment, unemployment, supply and demand in the labor market, social mechanisms, remote work, entrepreneurship.

Кириш

Мамлакатимизда аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган ишларни амалга ошириш, бандлик дастурларини ишлаб чиқишига замонавий ёндашувларни кенгайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш» [1] вазифалари белгилаб берилган. Шунуктаи назардан қишлоқ жойларда аёллар иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини тадқиқ этиш заруриятининг илмий ва амалий аҳамияти, биринчидан, мамлакатдаги

иқтисодий ўсиш, таркибий ислоҳотлар, иккинчидан, давлатнинг макроиқтисодий даражада ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш эҳтиёжи кучайганлиги билан изоҳланади.

Аёллар иш билан бандлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизми ўз хусусиятларига кўра аёл ишчи кучига талаб ва таклифни шакллантирувчи элементлар мажмуасидан иборат. Мазкур мажмуа жамиятни ривожлантириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжлар жамланмаси бўлиб, аёлларнинг ижтимоий меҳнат соҳасида иштирок этишини таъминлаш мақсадида улар фаоллигини ошириш бора-сида ижтимоий механизм элементларининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилиш яхши натижа беради. Бу механизм аёл ишчи кучига талаб ва таклиф нисбатларига муайян таъсир кўрсатувчи, уни мазмунан тўлдирувчи ижтимоий-иқтисодий

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

шакллар ва омилларни ўз ичига олувчи элементлар мажмуасидир. Қишлоқ аёлларининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодиса бўлиб, ўзига хос тадқиқотни талаб қиласди. Ушбу муаммони тадқиқ қилишда иш билан бандликнинг умумий қонуниятлари ва тамойилларини ўрганиш, ҳисобга олиш, уларга таяниш, шунга кўра илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аёлларнинг иш билан бандлиги муаммоси бир қатор олимлар, жумладан, хорижлик олимлардан Ф.А. Хайек, Р.Э. Лукас, Р.С. Смит, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.А. Никифорова, Н.М. Римашевская, Е.Б. Мезенцевалар томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистонда мазкур муаммо назарий ва амалий жиҳатдан Р.А. Убайдуллаева, Н.Х. Раҳимова, Д.Н. Раҳимова, Да.А. Артикова ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Шу ўринда мазкур масалани ўрганган олимларнинг назарий-методологик ёндашувларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Н.М. Римашевскаянинг эътироф этишича, «Аёллар иш билан бандлиги эркаклар бандлигидан икки асосий жиҳатдан фарқ қиласди [2, 321 б.]: биринчидан, аёллар, одатда, эркакларга нисбатан кам даромад топади; иккинчидан, кўплаб жамиятларда аёллар пуллик ишларда эркакларга қараганда камроқ меҳнат қиласди, лекин кўпинча ҳақ тўланмайдиган ишларда (оилавий) банд бўлади. Аёллар меҳнатининг гендер хусусиятларига оид ижтимоий тасаввурлар ва меҳнат тақсимотидаги ўзига хосликка ҳудудий омиллар ҳам таъсир кўрсатади».

Бу фикрни давом эттириб, профессор Н.Х. Раҳимованинг таъкидлашича, «Ҳозирги пайтгача расман ёки норасмий шаклланган, анъана ва одатлар билан белгиланган, меҳнатнинг жинсга қараб тақсимланиши замонавий жамиятда, амалиётда ва кишилар онгода мустаҳкам

ўрин тутиб келмоқда. Ҳатто урбанизациялашган мамлакатларда ҳам гендер касбий камситиш, яъни эркак ва аёлларнинг қатъий белгиланган касблар, соҳалар ва лавозим бўйича ишга жойлашишининг барқарор тенденцияси мавжуд. Унинг юқори даражаси эркак ва аёлларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда, лавозимда ўсиш имкониятларида ва бунинг натижаси ўлароқ, умуман бандлик соҳасида жинслар имкониятининг тенгсизлигига кузатилаётган номутаносибликтининг муҳим омили ҳисобланади» [3, 24]. Ўрганишлар давомида олима томонидан ҳалқаро стандартлар, республиканинг миллий ва ижтимоий-иктисодий, демографик ва сиёсий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда аёллар бандлиги ҳамда мослашувчан меҳнат бозори модели тавсия қилинган.

Иқтисодчи олима Д.Н. Раҳимованинг фикрича, «Меҳнат бозорида иқтисодий фаол аёлларнинг бандлик даражасини ҳисоблаш асосий ижтимоий-иктисодий ҳодисаларни янада тўлиқроқ ва табақалашган ҳолда таҳлил этиш, меҳнат салоҳиятидан фойдаланишини тартибга солиш имкониятини беради» [4, 143 б.]. Бу эса ишсизлик билан қурашиш, унинг тузилмавий ва фрикцион турларини қисқартириш иш билан бандлик дастурида иқтисодиётнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Муаллиф томонидан аёллар меҳнати хусусиятлари, мазмунининг ўзгариши ҳамда унинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида иқтисодий механизмларни ривожлантириш ва бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида аёллар иш билан бандлигини оширишнинг самарали ташкилий-иктисодий механизмлари бўйича мантиқий ва тақбослаш таҳлили, тадқиқотни ўрганишга тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гурухлаш, комплекс баҳолаш ва социологик тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Ижтимоий механизмлар орасида малака даражаси,

касбга йўналтириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, демографик омиллар, меҳнат миграцияси ва инновацион иш билан бандлик бўйича тарғибот, касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, иқтисодий фаол аҳоли қатлами орасида аёллар улушкини кўпайтириш ишлари сингари кўрсаткичлар асосий ўрин эгаллайди. Бу борада меҳнатни такрор ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва ундан фойдаланиш меҳнат муносабатлари ва меъёрлар тизимини ифодалайди.

Таҳлил ва натижалар

Ижтимоий механизмлар бандлик тамоилии умумий давлат сиёсати ва унинг ҳар бир ташкил этувчисида бандлик стратегиясининг амалга ошуви сифатида кўриб чиқилади ва уни баҳолаш турмуш тарзи шартшароитлари, эҳтиёжлари қондирилганиги даражаси ҳисобланган фаровонлик билан белгиланади. Инсон хуқуқлари бўйича халқаро шартномалар демографик шароитлар, меҳнат шароитлари, иш билан бандлик, меҳнатнинг ташкил этилиши, малака ошириш, инсон эркинликлари сингари фаровонлик унсурларидан иборат тизимни ташкил қиласди. Шу нуқтаи назардан аёллар иш билан бандлигини таъминлашда ижтимоий механизмлар элементлари шахсий меҳнат салоҳияти эгаларини меҳнат бўйича муносабатлар тизимига бевосита киритиш тамоилии асосида тизимлаштирилди.

Иқтисодий механизм ташкилий тузилманинг йиғиндиси бўлиб, муайян шакллар ва бошқарув усуллари, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнини иқтисодий қонунлар ҳамда хуқуқий меъёрлар орқали амалга оширишдир. Меҳнат бозорида иқтисодий фаол аёлларнинг бандлик даражасини ҳисоблаш асосий ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни янада тўлиқроқ ва табақалашган ҳолда таҳлил этиш, меҳнат салоҳиятидан фойдаланишни тартибга солиш имкониятини беради. Бу эса ишсизлик билан курашиш, унинг тузилмавий ва фрикцион турлари-

ни қисқартириш, иш билан бандлик дастурида иқтисодиётнинг тармоқ ҳусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади.

Аёллар иш билан бандлигини оширишда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Бу йўналишда қишлоқ жойларда аёл ишчи қучига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ишсизлик ўрта ҳисобда жами иқтисодий фаол аҳолининг 9,3 %ни ташкил қиласди. Аёллар кесимида эса 13 % кўрсаткич қайд этилган [5]. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда ўртача 1 млн атрофида ишсиз аёл бор дегани.

Жамият ҳаётида аёллар ролини ошириш, аввало, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида тегишли чора-тадбирларни қўллаш бўйича мамлакатимизда туб ислоҳотлар режаси тузилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2018 й. 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида «... Хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш лозим. Бу борада жорий йилда кўрилган амалий чораларга қарамай, ҳалигача оғир турмуш шароитида яшаб, иш билан таъминланмаган 13 мингдан зиёд хотин-қизлар борлиги ачинарлидир» [6], деган фикрларни билдириб, ушбу соҳада ечими топилиши зарур бўлган масалалар талай эканлигини таъкидлаб ўтди. Қишлоқдаги аёллар иш билан бандлиги муаммоси ҳозирги кунда энг долзарб муаммолар сифатида меҳнат бозорида норақобатбардош бўлиб ҳисобланган бирор-бир касб малакасига эга бўлмаган қисмига алоҳида эътибор бериш лозим.


Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодиётни ривожлантириш замонавий тенденцияларининг энг муҳим макро-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

иқтисодий хусусияти сифатида аёллар иш билан бандлигини давлат томонидан тартибга солиш чоралари ва воситаларини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Аёллар иш билан бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига жалб этиш учун меҳнат бозорини тартибга солишнинг назарий, методологияк асосларини ишлаб чиқиши, таркибий ўзгаришларнинг аёллар иш билан бандлигига таъсирини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Меҳнат бозорини тартибга солиш аёл ишчи қучининг ижтимоий-руҳий, иқтисодий-молиявий, ташкилий, демографик тавсифларини ҳисобга оловчи фаолият соҳаларига йўналтириш билан белгиланади. Аёлларни иш билан таъминлашдаги асосий тўсиқлар ижтимоий-руҳий, иқтисодий-молиявий, ташкилий, демографик турларга бўлиниб, унда оиласи юмушлар, фарзандлар тарбияси, касбий малака даражаси, ижтимоий инфратузилма соҳаларининг ривожланиши ва демографик ўзига хослик натижасида келиб чиқувчи бир қатор муаммолар, уларнинг ечими бевосита аёллар меҳнат бозорини тартибга солиш устуворликлари, бошқарув, ташкилий ва моддий рағбатлантиришлар ҳар томонлама ислоҳотларни амалга оширишга таянади.

Аёллар иш билан бандлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан бири касаначиликни ривожлантириш ҳисобланади. Касаначиликнинг ўзига хос хусу-

сиятлари шундан иборатки, бу оиласи ўзаро муносабатларга асосланади ва бунда, асосан, аёллар иштирок этади. Бу иш кўпинча уйда бажарилгани учун аёлларга мақбул ҳисобланади. Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш орқали йирик саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2006 й.) фармони, «Касаначиликни янада ривожлантириш учун қуладай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 й.) қарорлари касаначиликни янада ривожлантириш орқали оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш асосида касаначиликка талаб ва унинг таклифини тартибга солиш тизими такомиллаштирилди. Аёлларни манзилли қўллаб-қувватлаш учун касаначилик меҳнатини ривожлантириш самарадорлигини ошириш йўналишлари ва касаначилик меҳнатининг асосий модели илгари сурилди (1-расм).



1-расм. Аёллар учун касаначилик меҳнатини ривожлантириш самарадорлигини ошириш

Манба: Муаллиф ишланмалари асосида ишлаб чиқилган.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Аёллар учун касаначилик меҳнатининг асосий модели жараёнини тўртта асосий босқичга бўлиш асосида аёллар иш билан бандлигини ошириш самарали механизмларининг мақбул элементлари илгари сурилади:

- биринчи босқичда касаначилик меҳнатига талаб билан унинг таклифини тартибга солиш назарий моделини яратишнинг муаммолари ва мақсади аниқланади, ҳал қилиниши мураккаб бўлган асосий муаммолар жумласига аёл ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ҳақида ишончли ахборотномаларнинг етишмаслиги сабаб бўлиб, бу муаммо чуқур таҳлил этилади;

- иккинчи босқичда касаначилар билан корхоналар ўртасида иқтисодий ҳамкорлик, корхоналар буюртмаларини уй шароитида бажариш истагини билдирувчи аёлларни аниқлашга доир ахборотлар тўпланади ва таҳлил қилинади. Ахборотларни таҳлил қилишда корреляцион-регрессион таҳлил, имитацион ва мақсадли дастурлаш услублари кенг қўлланилиб, эконометрик модел ишлаб чиқилади;

- учинчи босқичда моделнинг математик-иктисодий таҳлилини ўтказиш ҳамда уни тартибга солиш учун зарур бўлган статистик ахборотлар тайёрланади, бирламчи ва иккиламчи ахборотлар йиғиши, ички ва ташқи манбалар ҳисобига ташкил топади;

- тўртинчи босқичда касаначилик меҳнати моделини ечиш ёрдамида миқдор натижалари таҳлил этилади. Бунда касаначилик меҳнатини тартибга солишнинг самарадорлиги тўғрисида хуносалар чиқарилади, аввалги босқичларда олинган барча ахборотлардан фойдаланган ҳолда амалий натижалар жорий этилади.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида қишлоқ жойларда аёллар иш билан бандлиги ва ишсизлик сабабларига социологик сўров натижалари асосида баҳо бериш мақсадида иш берувчилар билан иш билан банд ва ишсиз аёллар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабат-

ларни баҳолашнинг социологик сўров натижалари асосида аниқлаш услуби тақомиллаштирилган. Бир қатор олимлар томонидан ишлаб чиқилган социологик тадқиқот ахборотлари услубияти тадқиқот ишида қишлоқ жойларни демографик ва ижтимоий-иктисодий ривожлантириш билан танишиш босқичини асослаш орқали тақомиллаштирилган [7, 48-50 б].

Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий соҳадаги муаммоларини ўрганиш учун танланган Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Ургут, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Элликқалъа, Жizzах вилоятининг Пахтакор ва Зарбдор туманларида ижтимоий механизмлар ва унинг асосий кўрсаткичларини баҳолаш асосида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказилди.

Бу тадқиқотларнинг вазифалари қўйидагилардан иборат эди: қишлоқдаги ишсиз аёлларнинг аниқ ҳолати (ёши, маълумоти, оиласвий ҳолати), ишсизлик сабаблари, улар иш билан банд бўлишининг асосий шартлари, ишсизлик давридаги даромадининг асосий манбалари, меҳнат ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига тўсиқ бўлаётган асосий омиллар, тадбиркорлик билан шуғулланишида дуч келадиган муаммолар, аёлларнинг бизнес ташабbusлари ни қўллаб-куватлаш ҳақидаги фикрлар ва бу борада уларнинг истаклари, аёллар ишсизлигини камайтириш имконини беरувчи чора-тадбирларни топиш учун энг тўғри ва мақбул иқтисодий инструментларни қўллаш борасидаги таклифларни тўплаш. Сўровномада қатнашиш учун танлаб олинган рееспондентларнинг барчasi аёллар бўлиб, унда иштирок этгандарнинг 19,5 %ни 16-17 ёшгacha бўлган аёллар, 28,2 %ни 18-30 ёшгacha бўлганлар, 25,5 %ни 31-49 ёшдагилар, 16,2 %ни 50-60 ёшлилар ва 9,8 %ни 60 ёшдан юқорилар ташкил этган.

Республикада аёллар меҳнатига нисбатан рақобатбардош талаб эркаклар

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

мәҳнатига нисбатан рақобатбардош талабдан, айниқса, тугалланган олий ва ўрта таълим олганлардан фойдаланиш даражаси бирмунча пастдир. Бинобарин, аёлларнинг ишсизлик даражаси эркакларникига нисбатан деярли 1,5-2,0 марта юқори. Сўровномада иштирок этган аёлларнинг маълумотлари ўрганилганда, уларнинг 39,0 % - ўрта, 35,4 % - ўрта маҳсус, 15,8 % - олий-бакалавр, 9,3 % - олий магистр маълумотга эга эканлиги аниқланди. «Сиз қайси бир малакадаги мәҳнат билан бандсиз?» деган саволга сўровномада иштирок этганларнинг 37,4 % - қўл мәҳнат талаб қиласидиган малакасиз мәҳнат билан, 32,5 % - қўл мәҳнати ва кўпроқ механизациялашган мәҳнат билан, 24,2 %, асосан, механизмлар билан бажариладиган юқори малакали мәҳнат билан, 3,2 % - тўлиқ механизациялашган мәҳнат билан ва 2,4% бошқа жойларда мәҳнат қилаётганини эътироф этган.

Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашга таъсир кўрсатувчи чора-тадбирлар қишлоқларнинг ҳудудий хусусиятларига хос инвестициялар жозибадорлигини ошириш (21,6 %) ва хусусий секторни ривожлантириш орқали аёллар учун янги иш ўринлари яратиш, мавжудларини сақлаб қолиш (18,4 %) ва бошқа бир қатор чора-тадбирлар иш билан банд бўлишнинг асосий шарти ҳисобланмоқда (1-жадвал).

Кейинги ўринларда янги иш ўринлари яратган корхоналарга солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар беришни такомиллаштириш (11,8 %), қишлоқ аёллари учун иш билан бандликнинг замонавий турларидан унумли фойдаланиш (19,5 %), аёллар ўртача иш ҳақи миқдорини ҳар бир тармоқнинг тариф тизими бўйича такомиллаштириш (18,3 %), иш вақтининг давомийлиги, серфарзанд аёллар учун уларнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда иш вақтини белгилаш (16,0 %) орқали аёллар орасида иш билан бандлик даражасини оширишга эри-

шиш мумкинлиги қайд этилган. Энг паст кўрсаткичларни аёлларнинг бизнес ташабbusларини қўллаб-қувватлаш (8,4 %), қишлоқ ва маҳаллалар ихтисослашувини (хунармандчилик, тиқувчилик, қайта ишлаш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш) ҳисобга олган ҳолда, мини-кластерлар ташкил этиш чора-тадбирлари эгаллаган.

Бундан ташқари, БМТнинг «Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясида ҳам қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аёллар дуч келадиган қуйидаги алоҳида муаммоларга катта эътибор қаратилган. Конвенциянинг 14-моддасига биноан, иштирокчи давлатлар «қишлоқ жойларида аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни кўришлари, чунончи, уларнинг расмий ва норасмий таълим олиш ҳамда тайёргарлиқдан ўтишнинг барча турларига эга бўлиш хуқуқини таъминлаши, ёлланиб ишлаш ёки мустақил мәҳнат фаолияти орқали тенг иқтисодий имкониятларга эга бўлиши, шунингдек, жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этишларини таъминлаши керак» [8, 45 б.].

Бизнинг фикримизча, аёллар иш билан бандлиги, айниқса, қишлоқ жойларида ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади ва бу мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодиса бўлиб, ўзига хос тадқиқотни талаб қиласиди. Уни тадқиқ қилишда иш билан бандликнинг умумий қонуниятлари, тамойилларини ўрганиш, ҳисобга олиш ҳамда уларга таяниш мақсадга мувофиқдир. Аёллар самарали иш билан бандлиги тадқиқоти мазкур тушунчанинг асосий вазифаларини ҳам аниқлашга имкон беради:

- иқтисодиёт ҳамда мәҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиқсан ҳолда, қишлоқ аёллари ишчи кучига талаб ва таклиф ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашга таъсир кўрсатувчи самарали ижтимоий-иқтисолий механизмлар*

Чора-тадбирлар	Барча туманлар бўйича	Шу жумладан, туманлар:							
		Китоб	Шаҳ-рисабз	Паст-дар-ғом	Ургут	Беру-ний	Эллик қалъа	Зарбдор	Пахтакор
Қишлоқларнинг ҳудудий хусусиятларига хос инвестициялар жозибадорлигини ошириш	21,6	19,4	14,7	16,5	19,9	14,0	16,8	22,5	16,5
Хусусий секторни ривожлантириш орқали аёллар учун янги иш ўринлари яратиш, мавжудларини сақлаб қолиш	18,4	18,5	10,2	13,5	10,4	12,4	15,0	16,6	14,3
Янги иш ўринлари яратган корхоналарга солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар беришни такомилластириш	11,8	12,1	9,8	12,2	10,6	10,3	10,0	11,4	13,0
Қишлоқ аёллари учун иш билан бандликнинг замонавий турларидан унумли фойдаланиш	19,5	11,0	8,8	10,0	9,8	10,6	11,3	13,5	9,0
Аёллар ўртача иш ҳақи миқдорини ҳар бир тармоқнинг тариф тизими бўйича такомилластириш	18,3	6,5	10,5	10,2	10,5	11,0	11,0	8,0	10,0
Иш вақтининг давомийлиги, серфарзанд аёллар учун уларнинг шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш вақтини белгилаш	16,0	9,4	9,6	9,6	9,6	8,4	7,6	6,0	8,5
Оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўрсатилидаган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш	11,5	5,5	8,6	8,0	9,3	7,0	6,5	5,5	9,5
Тадбиркор оиласларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдосини ташкил қиливчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш	9,6	5,0	7,5	7,5	7,4	7,6	5,0	5,0	6,7
«Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар хизматлар кўламини кенгайтириш	9,1	4,6	7,0	5,2	5,5	6,9	3,0	4,2	5,5
Аёлларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-куватлаш	8,4	4,2	6,0	2,5	3,0	4,5	4,0	3,0	3,0
Қишлоқ ва маҳаллалар ихтисослашувини (хунармандчилик, тикувчилик, қайта ишлаш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш) ҳисобга олган ҳолда мини-кластерлар ташкил этиш	5,5	2,8	5,3	3,0	2,0	4,3	2,0	2,0	2,0
Бошқа шароитлар	2,1	1,0	2,0	1,8	2,0	3,0	2,0	1,6	2,0
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

*Барча респондентлар – иш берувчиларга нисбатан, %да.

Манба: Муаллиф томонидан социологик сўров натижалари асосида ҳисобланган.

- меҳнатга доир муносабатлар ёрдамида қишлоқ аёллари ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва қишлоқ инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш орқали қишлоқ аёллари орасида ишсизлик

даражасини камайтириш;
- меҳнатга лаёқатлилар орасида меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат томонидан берилётган имтиёз ва янгиликлар тўғрисида тар-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

ғибот ишларини кучайтириш.

Шу ўринда қишлоқ жойларида аёллар иш билан бандлигини таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари элементларининг ўзаро муносабатларини ўрганиш нафақат мантиқий-функционал, балки, энг муҳими, мазкур механизмнинг асосий хусусиятларини тўлиқ очишни таъминлашини таъкидлаш лозим. Ҳозирги вақтда миллий иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида аёлларнинг иш билан бандлигининг тармоқлар бўйича тақсимланишига эътибор қаратсан, қишлоқ хўжалигида уларнинг улуши 27,8 %ни ташкил этса, таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида жами аёлларнинг 19,9 % банд. Демак, маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида аёллар иш билан бандлиги муаммоси ҳамон юқорилигича қолмоқда. Уларни хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш соҳаларига йўналтириш, бу борада иқтисодиётнинг нодавлат тармоғини янада узвий ривожлантириб бориш лозим. Иқтисодий ислоҳотлар даврида аёллар иш билан бандлиги соҳасида қайси йўналишда, қай даражада ва қандай ўзгаришлар содир бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг бандлик бўйича дастлабки аҳволига, аёл зотининг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий тавсифларига боғлиқ. Бу гендер стереотипларини емиришга қаратилган институтлар яратиш, мақбул ижтимоий-демографик сиёsatни амалга ошириш воситасида, айниқса, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш заруриятини вужудга келтиради.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Хотин-қизлар ва эркаклар учун ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қарорлари меҳнат муносабатлари соҳасидаги гендер тенглиги даражасида ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан бандлик даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Қонунчиликда, асосан,

меҳнат муносабатларида гендер тенглиги қайд этилган бўлса-да, меҳнат бозорида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллаши учун ҳали амалга оширилмаган вазифалар ва ишга солинмаган имкониятлар кўп.

Бу муаммонинг ечими сифатида аёллар иш билан бандлиги бўйича давлат сиёsatини амалга оширишнинг воситаси бошқарувнинг барча босқичларида иш билан бандликка кўмаклашишнинг миллий, худудий ва маҳаллий дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳисобланади. Фикримизча, бугунги кунда аёлларнинг ишга жойлашишга бўлган иштиёқини ошириш, уларнинг иқтидор ва имкониятларини рафбатлантириш, бу борада учрайдиган тўсиқларни камайтириш бўйича иш билан бандлик соҳасида давлат миқёсида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун ишсиз аёллар гурухларини аниқлаб, уларнинг иш билан бандлигини оширишга таъсир кўрсатувчи ижтимоий механизмлар эlementларини қўллаш лозим.

Ҳаракатлар Стратегиясида худудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестицион лойиҳани рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилишига эришиш кўрсатилган.

Шу ўринда, ҳар бир оиласидан тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида, энг аввало, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлашга қаратилган «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури амалга оширилади. Мазкур дастурда тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасад-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

ди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш ва бошқа бир қатор аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган [9].

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 3,242 трлн сўм маблағ ажратилиб, 50 000 дан зиёд аёллар касбий йўналишларда ўқитилди. 26 000 оғир вазиятдаги аёллар ишга жойлаштирилиб, 10 401 нафар ногирон аёл касаначи сифатида иш билан таъминланган бўлса, 2019 йилда 120 мингдан ортиқ тадбиркор хотин-қизларга жами 2,7 трлн сўмлик кредитлар берилди. 84 мингдан зиёд хотин-қизлар доимий иш жойлари билан таъминланди. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури доирасида тадбиркор аёлларга бу йил 2,8 трлн сўмлик кредит маблағлари ажратилиши мўлжалланмоқда.

Иқтисодчи олим Б.Х. Умурзаковнинг эътироф этишича, «Мамлакатимизда олиб борилаётган янги барқарор иш ўринларини яратиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлиги ва касбий даражасини ошириш энг долзарб ва устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2019 йилнинг январь-май ойлари давомида жами 15 288 нафар ишсиз ва банд бўлмаган аҳоли меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида қисқа муддатларда касб-хунарга ўқитилган бўлса, уларнинг қарийб 77,1 фоизи (11 791 нафари) аёллар ва оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизлар улушига тўғри келди» [10, 111 б.]. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳудудларда меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, иш билан таъминлаш борасида ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, аёллар ишчи кучининг ои-

ладаги меҳнат ва фарзандлар тарбиясини биргалиқда қўшиб олиб борувчи ўзига хос мураккаб муносабатларнинг йиғиндиси эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Оилавий тадбиркорлик аёллар иш билан бандлигини иқтисодий тартибга солишда мақбул фаолиятлардан биридир. Аёллар орасида касаначилик меҳнатидаги вақтдан унумли фойдаланиш имконияти, яъни ишчининг уйда ўзи истаган вақтда ишлаши мумкинлиги, ишхонага бориб келиш учун кетадиган вақтни тежаши, уйдаги қўшимча ишчи кучи имкониятларидан фойдалана олиши, айни пайтда уй-рўзғор ишларини назорат қилиб туриши каби жиҳатлар меҳнатни ташкил этишининг мазкур шаклига нисбатан қизиқиши кучайтиради.

Аёллар ўртасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўйидағи тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- солиқ тўлаш тизими, инновацион ташабbusларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий турларини тарғиб қилиш;
- ўз-ўзини банд қилишнинг усулларини жорий қилиш орқали аёллар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларини кўпайтириш;
- кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни микромолиялаштириш учун ижтимоий инвестициялар жамғармаларидан фойдаланиш;
- оилавий тадбиркорликка иқтисодий шерикчилик шаклини қўллаш орқали бир нечта оиланинг ишлаб чиқариш ресурсларини бирлаштириш имкониятларидан фойдаланиш.

Олиб борилаётган тадқиқотлар давомида Россия, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия сингари давлатларда аёллар иш билан бандлигининг замонавий меҳнат муносабатлари тадқиқ қилинди. Жанубий Кореяда «Иш билан бандликнинг масофавий меҳнат тури (telework) виртуал муносабат бўлиб, иш

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

берувчи ва ходим ўртасида қисқа муддатли ишга ёллашнинг самарадорлигини ифодалайди, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи хотин-қизларнинг 32,2 % айнан мазкур хизмат тури билан шуғулланади»[11]. Кейинги йилларда мазкур давлатларда замонавий меҳнат муносабатларининг мослашувчан янги шакллари жорий этилмоқда, жумладан, масофавий меҳнат, фриланс, аутсорсинг, аутстаффинг каби. Бизнингча, ривожланган давлатлар тажрибаси ва меҳнат муносабатларини кенг тадқиқ қилиш ҳамда амалиётда қўллаш иш билан самарали бандликни таъминлашга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларига асосланиб, аёллар иш билан бандлигини таъминлаш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепциясини таклиф этамиз. Унда бош мақсад сифатида аёллар иш билан бандлигини таъминлаш бўйича асосланган ташкилий тадбирлар ишлаб чиқиш, меҳнат соҳасида гендер тенглика эришиш бўлиб, меҳнатга лаёқатли аёлларнинг оқилона иш билан бандлигини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, биринчидан, иш билан бандлик хизматининг жадал ва тез ривожланувчи тизимини яратиш, аёллар иш билан бандлигини тартибга солишининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш; иккинчидан, Ҳаракатлар стратегияси талабларидан келиб чиқсан ҳолда, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аёлларни меҳнат муносабатларининг янги шаклларига йўналтириш; учинчидан, иш билан бандликни таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий механизmlари самарадорлигини ошириш стратегиясини амалда қўллаш ва унинг истиқболли йўналишларини асослаш.

Мазкур концепцияни татбиқ этишда иш билан бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда эскирган иш услубларидан воз кечиш, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёш қизларни

оилавий ва хусусий тадбиркорлик ташабbusлари амалга оширилишини рағбатлантириш ва кўмаклашишда ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлашга эътиборни кучайтириш керак.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ аёллари учун янги иш ўринларининг қуидаги замонавий шаклларини яратиш лозим:

- худудларда, кичик бизнес корхоналари ва оилавий тадбиркорлик объектларида имтиёзли кредитлар ҳисобидан қишлоқ аёллари учун янги иш ўринлари яратиш;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш ҳамда касаначиликда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш бўйича қишлоқ аёллари учун янги иншоотларни хорижий инвестициялар ҳисобидан қуриш;

- аёллар меҳнатини оилавий тадбиркорлик маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигини дехқончилик ва томорқа хўжалиги бўйича йўлга қўйиш;

- қишлоқ аёлларининг ишсизлик нафақасини энг кам истеъмол саватчаси миқдорига тенглаштириш;

- иш билан банд қишлоқ аёлларининг иш ҳақини ягона мажбурий суғурта тўловларидан озод этиш;

- иш билан банд бўлган аёлларни қўллаб-қувватлашда имтиёзли ёндашувларни қўллаш;

- қишлоқ жойларида аёллар орасида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мулкка эгалик ҳиссиси кучайтириш;

- касаначиликни ривожлантириш асосида янги иш жойлари барпо этиш ва бунда аёлларнинг замонавий соҳаларни ўзлаштиришларига имкониятлар яратиш.

Қишлоқ жойларида аёллар иш билан бандлигининг истиқболли йўналиши сифатида оилавий бизнесни инновацион тадбиркорлик асосида ташкил этишга эришиш, қишлоқ ва маҳаллалар ихтисослашувини (хунармандчилик, тиккувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

рининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда, миникластерлар фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу орқали эса меҳнатга лаёқатли ёш ва кўп фарзандли аёл-

лар фаолиятини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, оиласи тадбиркорлик асосида қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини оширишга эришилади.

Манба ва адабиётлар

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-иловаси [Электрон манба]. – Кирish режими: <http://www.lex.uz/>.
2. Римашевская Н.М. Гендерные стереотипы в меняющемся обществе: опыт комплексного социального исследования. – М.: Наука, 2009. – 321 с.
3. Раҳимова Н.Х. Ўзбекистон меҳнат бозорида аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш: И.ф.д. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 24 б.
4. Раҳимова Д.Н. Управление процессами развития трудового потенциала Узбекистана в условиях осуществления радикальных рыночных реформ: Дисс. ... док. экон. наук. – Т., 2000. – 143 с.
5. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари [Электрон манба]. – Кирish режими: <http://www.lex.uz/>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Тошкент оқшоми. – 2018. – 29 декабрь.
7. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизmlари: Монография / Ш.Р. Холмўминов, К.З. Хомитов, Н.У. Арабов, Ж.Х. Бобоназарова, Ҳ.Ҳ Абдураҳманов. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019. – 48-50 б.
8. Женщины в сфере труда. Тенденции // Резюме. – М., 2016. – 45 с.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнданги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисидаги қарори // Ҳалқ сўзи. – 2018. – 8 июнь.
10. Умурзаков Б.Х. Хотин-қизларни текстиль-тикув цехларига жалб этиш дастурларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти // Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясининг янги босқичида инсон омили ва манфаатлари: ҳалқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси: илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2019. – 111 б.
11. Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайти [Electronic resource]. – Access mode: <http://www.ilo.org/>.

Тақризчи:

Насимов Д.А., иқтисодиёт фанлари номзоди, Самарқанд давлат университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори.